



ИСЛОМ ФИҚҲИ ҲАМДА ФАТВО ТУШУНЧАСИ

Халилов Шавкатжон Баҳром ўғли

Ўзбекистон Халқаро Ислом Академияси Таянч Докторанти

Аннотация: *Инсоният яратилибдики, бу дунёдаги кундалик эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, хоҳ дунёвий ва хоҳ диний бўлсин, турли-туман мақсадлари доирасида муаммоли вазиятларнинг ечимини ахтаришга ўз-ўзидан муҳтож бўлади. Аллоҳ таоло инсонни яратиб то унинг умри охирига қадар амалга оширадиган ишлари учун маълум шарт-шароитлар ва кўрсатмаларни ҳозирлаб қўйган. Зеро, ислом шариати ана шу кўрсатмаларни ўзида мужассам этган асосий мезон саналади. Мана шу мезон ўз доирасида Аллоҳнинг Каломи, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари, умматнинг ижмоси ва қиёсга суянган ҳолда инсонлар эҳтиёжидида юзага келаётган ҳар қандай замонга доир масалаларга ечим бериб келмоқда. Шунинг учун ҳам исломий фанлар категорияси доирасида мана шундай масалалар билан шуғулланувчи алоҳида фан ажралиб чиқди. У фиқҳ фани бўлиб, турли масалалар ечими унга асосланадиган фатво соҳаси ҳам бевосита ушбу фанга чамбарчас боғлиқ саналади.*

Калит сўзлар: *фатво, ижтиҳод, истинбот, мужтаҳид, муаррих, муфассир, сийрат, фиқҳ, тафсир, хужжат, таъвил.*

Бандаларни тўғри йўлга ҳидоят қилувчи оламлар Раббиси бўлган Зот Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин. Пайғамбарларнинг сўнггиси, Умий ва Амин бўлган, оламларга раҳмат қилиб юборилган, дин ва шариат устунларини мустақкам барпо этган зот Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга, у кишининг аҳли оилалари, асҳоблари ва қиёматга қадар у зотга эргашувчиларга Аллоҳнинг саломлари бўлсин!

Фиқҳ илми барча исломий илмлар орасида қамрови кенг ва дақиқ илм саналади. Чунки фиқҳ илмини ўрганиш учун бир тарафдан Қуръон, улумул Қуръон, ҳадис ва унга тегишли илмлар, саҳобаларнинг сўзлари, имомларнинг кўрсатмалари, фуқоҳоларнинг ижтиҳодлари, жузъий ва фаръий масалаларнинг нозик фарқларига, рожиҳ ва маржуҳга кенг назар солиш, қолаверса, умматнинг воқелиқдаги заруриятларини идрок этиш, замонанинг ҳолатларини мукамал англаш ва диний масалалардаги ҳолатларнинг ўзгаришини уммат миждози ва дин руҳиятини мулоҳаза қилган ҳолда, татбиқ этиш учун пухта моҳирлик талаб этилади. Бошқа бир жиҳатдан, фиқҳ таҳорат ва назофатнинг жузъий масалаларидан тортиб, ибодат, муомалот, муошарот, одоб-ахлоқ ҳамда ҳалол, ҳаром ва мубоҳга тегишли бўлган барча масалаларни ўз ичига олади.

Фиқҳга моҳир бўлиш учун, умумий ҳолда, барча исломий илмларга ўта моҳир бўлиш талаб этилади. Чунки ҳар замоннинг ҳар турли масалаларига шаръий ечим тақдим қилиш фақиҳнинггина вазифаси саналади. Бу ишлар на





муфассир, на муҳаддис, на муаррих ва на сийратшуноснинг вазифасидир. Бу иш фақат фақиҳнинг зиммасидаги вазифа бўлиб, қолган соҳа вакилларининг барчаси унинг ёрдамчи ва кўмакчилари саналадилар. Чунончи, ҳар бир муфассир ҳамда муҳаддиснинг фақиҳ бўлиши шарт қилинмайди. Бундай вақтда фақиҳ гоҳо муфассир, гоҳо муҳаддис, гоҳо муаррих ва гоҳо сийратшунос бўлишига тўғри келади.

Зеро, фатвонинг кўлами фикҳга нисбатан янада зиёда ва кенгдир. Чунки иймон, ақоид, фирқалар, тарих, Пайғамбар алайҳиссалом сийратлари, саҳобалар сийратлари, тасаввуф, сулук, ахлоқ-одоб, ҳуқуқ, ибодат, муомалот, сиёсат, муошарот, олдинги ва янги масалаларнинг ечими; усулий ва фаръий масалаларнинг шарҳ ва татбиқлари ҳамда улардан бошқа барчаси фатвонинг шўъбалари ва остига кирувчи тармоқлари саналади. Шу туфайли муфтий юқоридаги шўъбалар ва масалаларни пухта билмай туриб, ўз зиммасидаги вазифасини тўқис адо эта олмайди. Ваҳоланки, муфтий баъзан ислом уммати ҳаётида юзага келган мушкулликларда енгилликлар пайдо қилиш учун шариат қонунлари борасида фикр юритиб, юмшоқ табиатлик бўлиши, баъзан эса, шариатнинг мижозини муҳофаза этиб, шариатга хилоф йўл тутувчиларга қаттиққўл бўлишига ҳам тўғри келади.

Фатво сўзи луғатда шаръий ёки шаръий бўлмаган бирор саволга жавоб бериш маъносини англатади.

Лекин бошқа ўринларда “фатво” лафзи шаръий ҳукмни маълум қилиш учун хосланади. Яъни, бирор шаръий масалага жавоб беришга фатво дейилди.

Фатвонинг истилоҳий маъноси эса, шаръий далилларнинг тақозосига кўра бирор бир диний масала борасида бирор ҳолатга тушган кимса учун Аллоҳ таолонинг ҳукми ҳақида хабар беришдир. Аммо фатво бериш умумий тарзда берилади, мажбурлаш жиҳатидан эмас (Ал-Мисбаҳ фий росмил муфтий ва манаҳижул ифто, 2006).

Аллома Мунаввий раҳимахуллоҳ айтади: “Фатво бериш – бу масаланинг ҳукмини баён қилишдир”.

Имом Замахшарий раҳимахуллоҳ “Кашшоф” китобида шундай деган: “Фатво бирор ҳодиса ҳақида жавоб беришдир. Фатво сўзи *فتى* сўзидан истиора йўлига кўра олинган” (Файзул қодир алал Жомиъус сағир, 2002).

Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам замоналарида у зотнинг ўзлари инсонлар ва жинларнинг муфтийси эдилар. Фатво бериш вазифаси ҳам у зотнинг зиммалари остида эди. Ваҳий воситасида Аллоҳ таоло тарафидан фатво берар эдилар ҳамда у зотнинг фатволари пурмаъно сўзлардан иборат бўлган. Шунингдек, ҳазрат Набий алайҳиссаломнинг берган фатволари, яъни ҳадиси шарифлар исломнинг иккинчи асосий манбаси ҳам саналади. Мусулмон киши шаръий эътибордан у зотнинг муборак суннатларига эргашмоғи талаб этилади.

Аббосийлар халифалиги давридан тортиб токи ўтган даврлар мобайнида исломий мамалакатларда ҳанафий фикҳи қонуний шаклда амалда мавжуд





бўлган ва ривож топган. Бу ҳақда аллома Шомий раҳимахуллоҳ айтади: “Аббосийлар давлатининг мазҳаби гарчи ўз боболарининг мазҳабида бўлсада, қози ва машойихларининг аксари ҳанафийлар эди. Бу нарса тарих китобларидан маълум. Аббосийлар беш асрдан ошиқроқ вақт мобайнида халифаликни бошқардилар. Аммо салжуқийлар ва улардан сўнг хоразмшоҳларнинг барчалари ҳанафий мазҳабида бўлган ва аксар қозилар ҳам ҳанафий мазҳабида фаолият юритган. Усманийлар давлатида эса, қозиликка ва бошқа барча мансабларга фақат ҳанафий мазҳаби уламолари тайинланар эди”.

Фатво бериш мансаби бениҳоя улуғ мансаб бўлиб, унинг фазилати ва аҳамияти барчага кундек равшан ва аёндыр. Фуқаҳолар ва муфтийлар бутун умрларини аҳкомларни истинбот қилиш ва масалаларни таҳриж қилишга сарфлаганлар ҳамда ҳалол ва ҳаромни маълум қилиш учун қоидаларни ишлаб чиққанлар. Шу туйғайли улар қоронғи кечадаги йўлчи юлдуз кабидирлар. Мана шундай зотларгина пайғамбарларнинг ҳақиқий меросхўрлари саналадилар. Пайғамбаримиз алайҳиссалом марҳамат қиладилар:

“Уламолар пайғамбарларнинг меросхўрларидир. Чунки Пайғамбарлар на динор ва на дирҳамни мерос қолдирганлар. Улар фақатгина илмни мерос қолдирганлар. Ким бу илмни олган бўлса, дарҳақиқат, тўлиқ улушни олибди” (Жомеут Термизий, 2006).

Қуръон каримдаги “иш эгалари” ояти уламоларга итоат қилиш вожиб бўлиши учун далил саналади.

Аллома Абу Бакр Жассос раҳимахуллоҳ айтади: “Уламолар “иш эгалари” оятининг таъвили борасида ихтилоф қилганлар. Жобир ибн Абдуллоҳ ва Ибни Аббос разияллоху анхумолардан бир ривоят бор. Ҳасан, Ато ва Мужоҳид раҳимахумуллоҳлар ундан мурод фикҳ ва илм аҳллари деганлар (“Аҳқомул Қуръон” Жассос, 2008).

Фатво ишини муфтийлар имоми, оламлар Раббисининг маҳбуби, пайғамбарларнинг сўнгиси ҳазрат Муҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам бир умр адо этдилар ва беҳисоб фатволар бердилар. Ҳадис китоблари у зотнинг фатволари билан тўлиб тошган.

Фатвонинг аҳамиятига назар солган ҳолда умматнинг бир қисми Қуръон, суннат ва динда фақиҳ бўлиш маҳоратини ўзида ҳосил қилиб, умматнинг қолган қисмига раҳнамолик қилиши зарурдир.

Муфтийлик учун уламолар тарафидан бир қанча шартлар баён қилинган. У шартларнинг барчаси муфтида топилиши шарт қилинади. Улар қуйидагилар:

1. Мукаллаф, яъни оқил ва болиғ бўлиши.
2. Сиқа, яъни ишончли инсон бўлиши.
3. Гуноҳ ва мункар ишлардан буткул сақланувчилардан бўлиши.
4. Ахлоқсиз ва мурувватсиз бўлмаслиги.
5. Фақиҳтабиат бўлмоғи.
6. Масалаларни тафаккур қилиш салоҳияти бўлмоғи.





7. Онги уйғоқ бўлиши.
8. Ўта тақводор ва парҳезкор бўлмоғи.
9. Диндорликда машхур ва маъруф бўлмоғи.
10. Хужжат келмаган масалаларда истинбот ва тахрижга қодир бўлмоғи.

Аллома Нававий раҳимахуллоҳ “Ал-Мажмуъ шарҳи Муҳаззаб” китобида айтади: “Муфтийликнинг шартлари қуйидагилардир: мукаллаф, муслим, ишончли, фисқ ва гуноҳ одатларидан сақланган, фақиҳтабиат, зеҳни ўткир, фикри соғлом, тасарруф ва истинботи соғлом ва хушёр бўлишидир.

Уламолар айтадилар: “Муфтийнинг парҳезкорлиги зоҳир ва машхур бўлиши лозимдир”.

Шунингдек, муфтий бирор муфтийнинг қарамоғи остида бўлмоғи, фикҳий фоидалар, замонанинг урфи ва унинг ҳолатидан бохабар бўлиши даркор. Қолаверса, ўзининг мазҳаби имомига тўла равишда эргашиб, зоҳирий ҳайъати ҳам шариатга мувофиқ бўлиши зарур саналади.

